

## 3-мавзу: солиқни прогноз қилишнинг турлари ва усуллари.

### Режа:

1. Солиқни прогноз қилиш ва режалаштириш тушунчалари ва уларнинг ўзаро фарқлари
2. Макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб солиқларни прогноз қилиш.
3. Йиғма жадваллар ва уларнинг турлари

Солиқни прогноз қилиш ва режалаштиришнинг ўхшаш жиҳатлари	Солиқни прогноз қилишнинг ўхшаш жиҳатлари
1.Солиқни прогноз қилиш ва режалаштириш миллий иқтисодиётни макроиқтисодий бошқариш воситаси ҳисобланади	1.Солиқни прогноз қилишнинг фарқли жиҳатлари
2. Иккаласи ҳам бюджет жараёнини ташкил этишнинг асосий бўғинлари саналади	2.Солиқни прогноз қилиш эҳтимолликка асосланади, солиқни режалаштириш эса аниқлиликка асосланади
3. Иккаласида ҳам қўлланиладиган усуллар ва моделлар бир-бирига жуда ўхшаш	3.Солиқни прогноз қилиш бир неча вариантларга эга бўлади, солиқни режалаштириш эса битта вариантга эга асосланади
4. Иккаласи ҳам мамлакатнинг солиқ потенциалини аниқлашга хизмат қилади	4.Солиқни прогноз қилишнинг ўзи солиқни режалаштиришнинг асоси ва унинг таркиби ҳисобланади
	5. Солиқни прогноз қилиш фақат давлат органлари томонидан амалга оширилади, солиқларни режалаштириш эса ҳам корхона доирасида, ҳам давлат миқёсида амалга оширилади
	6. Солиқни прогноз қилишда турли хил ўзгартириш амалга оширилади, солиқни режалаштиришда эса аниқ фактларга асосланади
	7. Солиқни прогноз қилиш кўпроқ гипотеза, таҳлил ва тахминларга асосланса, солиқни режалаштириш асосан таҳлил асосланади

# Солиқларни прогноз қилишда қўлланиладиган макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар

Солиқни прогноз қилишда қўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичлар	Солиқни прогноз қилишда қўлланиладиган микроиқтисодий кўрсаткичлар
1.Ялпи миллий маҳсулот	1.Корхоналарнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми
2. Миллий даромад	2.Корхоналарнинг маҳсулот сотиш ҳажми ва унинг динамикаси(Прогноз қилинаётган тармоқлар бўйича)
3. Худудларнинг социал-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари	3.Корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳажми
4.Ички ва ташқи инвестиция ҳажми ва уларнинг сифат таркиби	4.Корхоналарда ўртача иш ҳақи миқдорининг фарқланиши
5. Яратилиши мўлжалланган иш ўринлари сони	5. Корхоналарда соф фойданинг реинвестиция қилиниш даражаси
6. Экспорт-импорт ҳажмининг ўзгариш динамикаси, улар ўртасидаги фарқнинг миқдори	6. Банкротлик даражасининг тармоқлар бўйича тақсимланиши
7. Аҳоли даромадларининг таркибий ўзгариши ва ўртача иш ҳақининг ўсиш даражаси	7. Корхоналарнинг фойдалилик, ликвидлилик, зарарлилик, бозорда муқим жой эгаллаганлик даражаси
8.Инфляция даражаси	8. Корхоналарнинг фаолият ва маҳсулот диверсификациялашуви даражаси
9.Бошқа кўрсаткичлар(табiiй бойликларни сотишдан тушган даромад миқдори, ундирилаётган камомад сўммалари, божхона божининг ўртача миқдори ва бошқа кўрсаткичлар)	9. Корхоналарнинг солиқ боқимандалигининг тармоқлар бўйича даражаси

солиқни прогноз қилишнинг турлари ва усуллари.

- Солиқларни прогноз қилиш моделлари
- Солиқларни прогноз қилишнинг усуллари
- Солиқларни прогноз қилишнинг босқичлари



# Солиқларни прогноз қилиш моделлари

- Микроимитацион модел(Жисмоний шахслар сифатидаги солиқ тўловчилар сони жуда кўп бўлган шароитда махсус коэффициентларни қўллашни назарда тутувчи модел. Ушбу модел асосан АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция ва Германияда қўлланилади).
- Макроиктисодий модел(Солиқ базаси ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион таҳлилига асосланади ва солиқ қонунчилиги билан мослаштирилади)
- Экстрополяцион модел(иктисодий-математик усулларни ўз ичига олади)

## Солиқларни прогноз қилиш усуллари

- Солиқларни прогноз қилиш усуллари умуумулаштирган ҳолда 2 гуруҳга бўлиш мумкин:
- 1-гуруҳ: Миқдорий усуллар
- 2-гуруҳ сифат усуллари

Солиқларни прогноз  
қилишнинг  
шакллари

Муддатига кўра(тезкор,  
қисқа, ўрта, узоқ  
Муддатли)

Кўламига кўра(макро,  
микро, структурали(  
Соҳалар ва аҳудудлараро),  
алоҳида олинган тармоқлар  
бўйича,алоҳида  
Олинган корхона  
даражасида)

Функционал белгисига кўра:  
(изланиш, норматив)

# Солиқларни прогнозлашнинг миқдорий усуллари

Усулнинг номи	Моҳияти	Қўлланиш жараёни	камчилиги
<p>Линейли регрессия:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>•Оддий регрессия</li> <li>•Мураккаб регрессия</li> </ul>	<p>Прогноз қилинаётган объектларнинг ўзгариш даражаларини ўзаро боғлиқликни эътиборга олинади</p>	<p>Узоқ муддатли прогноз қилиш жараёнида қўлланилади</p>	<p>Мураккаб, шу туфайли айрим хатоликларга йўл қўйилишига имкон яратади</p>
<p>Ўртача оғиш усули</p>	<p>Прогноз қилинаётган объектларнинг ўртача қиймати(кўриниши)ни вақтинчалик ҳолатларда рўй беришини эътиборга олади</p>	<p>Қисқа муддатли прогноз қилиш жараёнида қўлланилади</p>	<p>Вақтинчалик рўй берадиган ҳолатларни эътиборга олганлигини сабабли бошқа омилларнинг тез таъсирига учрайди ва прогнозда хатоликлар бўлиш мумкин</p>
<p>Ўртача оғишдан орттирилиш(ўлчаниш) усули</p>	<p>Прогноз қилинаётган объектларнинг ўртача қиймати(кўриниши)ни аниқлашда жуда кам аҳамиятга эга бўлмаган омилларни кейинги даврларда ҳисобга олинишини ва кейинги даврларда вақтинчалик ҳолатларда рўй беришини эътиборга олади</p>	<p>Қисқа ва ўрта муддатли прогноз қилиш жараёнида қўлланилади</p>	<p>Айрим муҳим бўлган омиллар кейинги даврларга сурилиши туфайли уларнинг таъсири эътиборга олинмайди ва улар иикнич даражали деб қаралиши туфайли хатоликларга йўл қўйилиши мумкин</p>
<p>Экспоненциаль тўғирлаш усули</p>	<p>Прогноз жараёнининг вақтинчалик характерга эга бўлган қаторлари эътиборга олади ва прогноз охирида қўшимча информацияга асосан коррективка қилинади</p>	<p>Қисқа муддатли прогноз жараёнида қўлланилади</p>	<p>Кейинги даврларда эътиборга олинмаган деган фаразга асосланади ва бу қўшимча информация бўлмаган шароитда хатоликларга олиб келади</p>
<p>Трендга асосланган экспоненциаль тўғирлаш усули</p>	<p>Прогноз жараёнининг вақтинчалик характерга эга бўлган қаторлари тренд чизиқлари орқали ўлчанади</p>	<p>Ўртача муддатли прогноз жараёнида қўлланилади</p>	



# Солиқларни прогноз қилишнинг сифат усуллари

Усулнинг номи	Моҳияти	Қўлланиш жараёни	камчилиги
Индекс усули	Прогноз қилинаётган объектларни баҳолаётганда турли хил индекслардан фойдаланилади (масалан, нарх индекси, инфляция индекси, дефлятор ўзгариши ва шу кабилар)	Прогнознинг барча шаклларида қўлланилади	Нархлар тез ўзгарувчан бўлади, шунинг учун доим қўллашни талаб этади ва шу туфайли вақтни кўп талаб этади
Норматив усул	Прогноз жараёнида айрим норматив категориялардан кенг фойдаланишни ва уларга асосланишни назарда тутлади(масалан, солиқ ставкалари, иш хақи миқдори, фоиз ставкалари, ер участкалари ҳажми)	Қисқа муддатли Прогнознинг барча шаклларида қўлланилади(даромад, ер солиғи, божхона божи, ялпи ички маҳсулот ва .ш.к)	Асосан нормативга асосланганлиги сабабли бошқа тезкор омиллар кам эътиборга олинади
Экспертли баҳолаш усули	Прогноз қилинаётган объект ёки жараёнлар ҳақида маълумотлар юзага чиқмаган ёки уни характерловчи сифатларнинг бошқа шакллари бўлмаганда турли соҳадаги эксперт-мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига таянилади	Янги прогноз объектларини аниқлаш жараёнида прогнознинг қисқа муддатли жараёнида қўлланилади	

# Солиқларни прогноз қилиш босқичлари

- 1-босқич: Мақсадни аниқлаш
- 2-босқич: Ахборот базасини аниқлаш ва уларни гуруҳлаш
- 3-босқич: Қўлланиладиган усуллар ва тамойиллар аниқланади
- 4-босқич: Прогноз жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқланади ва уларнинг таъсири баҳоланади
- 5-босқич: Прогноз жараёни амалга оширилади ва дастлабки натижалар сараланади
- 6-босқич: Илгари маълум бўлмаган ҳолатлар қайта кўрилади ва улар эътиборга олинади ҳамда йўл қўйилган хатоликлар тuzатилади
- 7-босқич: натижалар асосида турли хил вариантларнинг оптималлиги баҳоланади ва хулоса олинади

# Йиғма жадваллар ва уларнинг турлари

Йиғма жадвалларнинг номи ёки шакли (макроиқтисодий)	Солиқни прогноз қилишда аҳамияти
Миллий ҳисоблар тизими	Мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари хусусидаги маълумотларни ўзида акс эттиради
Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси	Мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари хусусидаги маълумотларни ўзида акс эттиради
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш динамикаси	Ялпи ички маҳсулотнинг таркиби ва унинг сарфланиш йўналишлари бўйича маълумотлар жамланади
Корхона ва ташкилотларнинг сонининг ўсиш динамикаси	Янги ташкил этилган, фаолиятини тугатган корхоналар тўғрисида маълумотлар олинади
Хусусийлаштириш жараёнларини асосий кўрсаткичлари	Хусусийлаштириш жараёнидан тушаётган маблағлар хусусида маълумотлар акс эттирилади
Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятининг натижалари	Зарар ёки фойда кўриб ишлаётган корхоналар аниқланади
Ташқи савдо айланмасининг кўрсаткичлари	Ташқи савдо айланмаси, валюта тушумлари, уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши аниқланади
Хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг экспорт-импорт операциялари	Мамлакатнинг импорт ва экспорт салоҳиятидан олинаётган самара аниқланади(ижобий, салбий фарқ)
Саноат маҳсулотлари ва истеъмол молларини ишлаб чиқарилиш ҳажми	Асосий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиш даражаси аниқланади

№			
	Асосий капиталга сарфланган инвестициялар (манбалари бўйича)	Янгидан киритилган капитал сарфлар аниқланади, улар қайси манбалар ҳисобига киритилганлиги аниқланади	
	Хориж инвестициясини ўзлаштириш кўрсаткичлари	Хорижий инвестициянинг миқдори аниқланади	
	Чакана савдо айланмаси динамикаси	Чакана савдо айланмаси ҳажми аниқланади	
	Нархлар индекси кўрсаткичлари	Товарларга нархларнинг таъсири аниқланади	
	Мамалакатда пул оқимлари ҳаракати кўрсаткичлари	Пул оқимлари ҳаракати ва уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири аниқланади	
	Фойданинг реинвестиция қилиниш динамикаси	Янги солиқ объектларининг юзага келиниши аниқланади	
	Аҳоли пул даромадлари ўсиш динамикаси ва унинг таркибининг трансформациялашуви даражаси	Аҳолининг турмуш даражаси, уларнинг даромад кўрсаткичлари, даромад турларининг ўзгариши аниқланади	
	Валюта курсининг ўзгариш динамикаси	Валюта курсининг ишлаб чиқаришга ва аҳолининг пул даромадларига таъсири аниқланади	
	Аҳоли демографиясининг ўзгариш динамикаси	Аҳолининг табиий кўпайиш динамикаси ўрганилади	

№	Йигма жадвалларнинг номи ёки шакли (микроқтисодий) Т	Солиқни прогноз қилишда аҳамияти
1.	Корхоналарнинг фойдалилик(зарарлилик) кўрсаткичлари	Солиқ тўловчи корхонанинг фойда олиш даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланади
2.	Барқарор(набарқарор) фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчилар динамикаси	Молиявий жиҳатдан барқарор ишлаётган корхоналарнинг солиқ тушумининг ҳажмига таъсири баҳоланади
3.	Солиқ тўловчиларга тегишли мулк объектларининг инвентар кўрсаткичлари	Алоҳида олинган солиқ тўловчи ёки ҳудуд бўйича солиқ тўловчиларга тегишли мулк объектлари аниқланади ва уларнинг таркиби сифат жиҳатдан баҳоланади
4.	Солиқ имтиёзларига эга солиқ тўловчилар сони динамикаси	Солиқ имтиёзларига эга солиқ тўловчилар сони ва имтиёзлари турлари бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолда прогноз жараёнига таъсири баҳоланади
5.	Солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари	Солиқ имтиёзларига эга бўлган солиқ тўловчиларнинг фаолиятига берилган солиқ имтиёзларининг таъсири ва улардан олинаётган самарадорлик баҳоланади
6.	Солиқ тўловчиларда асосий воситаларнинг ҳаракати динамикаси	Солиқ тўловчиларда асосий воситаларнинг ҳаракати динамикасини ўрганиш орқали солиқ тўловчилар эгалигидаги асосий воситаларнинг сифат таркби баҳоланади
7.	Солиқ тўловчиларнинг маҳсулот(хизмат, иш)ларни сотиш ҳажми	Солиқ тўловчиларнинг маҳсулот(хизмат, иш)ларни сотиш ўлчанади ва маҳсулот реализациясига таъсир этувчи омиллар аниқланади
8.	Солиқ тўловчилар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари динамикаси	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва унинг солиқ тушумларига таъсири баҳоланади
9.	Солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси	Солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси ва солиқ тушумлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланади
10.	Солиқ боқимандалигининг динамикаси	Солиқ боқимандалиги ва унинг солиқ тушумлари ҳажмига таъсири баҳоланади